



# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



[www.bong.uz](http://www.bong.uz)

@jamiyatgzt@mail.ru

[t.me/bonguz1](https://t.me/bonguz1)

№ 13 (789)  
2022 йил  
7 апрель,  
Пайшанба



ГҮШТ НАРХИННИ  
ҚАЙДАН БИЛСИН,  
МОЛ БОҚМАГАН  
ОДАМЛАР?

Билмасангиз,  
айтиб қўяй молнинг  
вазнини бир кунда  
250-300 грамгача  
ошириш мумкин.  
Бу учун эса жониворнинг  
кузларига мўлтираб  
қараб туриш кифоя эмас.  
Бир кунда 4-4,5 килограмм ем,  
7-8 килограмм сипос, сомон,  
пичан ёки беда керак.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР САЛМОГИ



## БАХШИНГ БАХТИ



ИЛМ-  
МАЪРИФАТ  
ЮКСАКЛИГИ ВА  
ИЙМОН БУТЛИГИ



Йиљдирим  
Боязидининг куёви  
Соҳибқиронга  
ким бўлган?



**Бугун инсониятни табиий оғатлар, ёнғин, сув тошқинлари, тождор вирус сингари турли хил ғам-ташвишлар қамраб олмоқда. Уларга қарши қурашда манаман деган давлатлар ҳам ожизлигини ҳис қилди. Бундай воқеа-ходисалар сабабини ҳар ким ўзича таҳлил қилиб хулоса чиқариши табиий. Бу борада энг тўғри тўхтамга келиш, менимча, ота-боболаримиз амал қилган мезонлардир. Бу кишилик жамияти ривожининг тилсим ва қалити бўлган илм-маърифат, иймон ва тафаккурдир.**

Бир пайтлар ёлғон гаплар, соҳта гувоҳликлар, лафзизликлар, ота-онага оқ бўлиш, қариндошларга сийлаи раҳим қиласлик, ўз жонига қасд қилиш, молнинг закотини чиқармаслик кабилар катта гуноҳ саналган. Бугун биз бундай қайта-риқлардан юз буриш учун нималар қиляпмиз? Ёки содир этилаётган бу каби хатоликларга бефарқмизми?

Доно ҳалқимизнинг “Сабабсиз оқибат бўлмайди”, деган нақли бежизга айтилмаган. Бугунги кунда кишилар руҳиятидаги маънавий қашшоқлик, иймон сустлиги, инсоният таълим-тарбияси учун зарурый манбалардан йироклашиш каби ҳолатлар ҳам учрамоқда. Хўш, бундай чекинишларнинг давоси борми?

Бор, албатта! Бунинг ягона йўли киши ўз маънавий дунёсини бойитиши учун, аввало, китоб муталаасига меҳр кўйишидир. Бугунги авлод учун қолдирилган маънавий месросларни қунт билан ўрганишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, илм, илм ва яна илм. Чунки инсониятни барча фалокатлардан кутқарувчи омил бу — илм-маърифат юксаклиги ва иймон бутлигидир. Ана шунда шахс комиллик даражасига етишади.

Ўз руҳиятидаги қашшоқликни илм-маърифат билан бойитиб, маънавий баркамоллик чашмасидан сув ичган имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом Мотрудий, имом Насафий, Абу Лайс Самарқандий каби юзлаб алломалар Ватанимиз шуҳратини бугунгача юксалтириб келмоқда. Куръон ва муқаддас суннатга бўлган самимий мухаббати, илмга чанқоқлиги, тафаккурининг чексизлиги туфайли ҳар бири илм-маърифат салтанатида ўз мактабини яратдилар. Уларга илҳом баҳш этган, йўлини ойдин ёритиб турган, бошига мушкулот тушганида, душманлари панд берганида Роббисига дуо қилса, унинг ижобатига руҳий мадад бўлган зот Расулуллоҳ

саллолоҳу алайҳи вассаллам бўлдишлар. Бугунги мутолаамизда ана шу муборак сиймога Рамазон баракоти илиа юзланамиз. Хўш, севимли пайғамбаримиз хаётда қандай киши бўлганлар? У кишининг муборак сийратлари ва сувратларидаги мукаммалик, инсоният ва руҳият оламига хос комиллиги нимада?


Саволимизга ойдинлик киритиши максадида Аллоҳнинг каломига мурожаат қиласиз. Куръони Каримнинг “Қалам” сурасидаги 4-оятда бундай дейилади: “Ва, албатта, сен улкан хулқадасан” (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, “Тафсири Хилол”).

Ушбу муқаддас оятдаги таъкид туфайли Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи вассаллам Қуръондаги барча одоб-ахлоқни, илм-маърифатни ўзларига сингдиргандар. Бу хусусда пайғамбаримизнинг ўзлари ҳам: “Мен яхши хулқларни батамом қилиш учун юборилганман” дейдилар. Ана шундай гўзал хулқ соҳибининг нурли сиймолари Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизийнинг “Шамоили Муҳаммадий” асарида бундай тарьиғланади:

“Хазрат Али разияллоҳу анхунинг набиралари ҳазрати Иброҳим ибн Муҳаммад айтидилар: “Хазрати Али разияллоҳу анху қачон жаноб Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи вассалламнинг васфларини баён қиласлар, дер эдилар:

Жаноб Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи вассаллам на кўп узун бўйлик на паст бўйлик эдилар, балки ўрта қадлик одамлардан эдилар. Муборак соchlари на зиёда буралган ва на

## ИЛМ-МАЪРИФАТ ЮКСАКЛИГИ ВА ИЙМОН БУТЛИГИ



зиёда ёзилган эди, балки иккисининг ўртасида бўлиб, озроқ буралган эди. На муборак баданлари зиёда семиз гўштлик ва на муборак чехралари зиёда юмалоқ эди, балки озроқ мудаввар (юмалоқ) эди. Чехралари қизилга мойил оқ эди. Икки кўзлари ниҳоятда қора ва киприклари ниҳоятда узун эди. Икки суюкларининг кўшиладиган бошлари йўғон эди ва икки кифтлари жам бўладиган ерлари ҳам йўғон гўштлик эди. Баданларида тук йўқ эди, Фақат сийналаридан киндикларига кадар нозик мўйдан бир чизик тортилган эди. Икки кафтлари ва икки қадамлари тўла ва гўштлик эди. Қачон йўл юрсалар, қадамларини ердан кувват билан узиб олар, гўёки пастилкка кетиб турган каби кўринар эди. Қачон бир тарафга бурилсалар, бутун баданлари билан бурилар эдилар, фақат бўйинларини буриб кўймас эдилар. Икки елкаларининг ўртасида мухри нубуват, яъни пайғамбарлик мухри бор эди. Ва ўзлари барча пайғамбарларнинг охиргиси эдилар. Ҳаммадан зиёда сахий диллик зот эди. Ҳаммадан зиёда рост сўзлагувчи, мулойим табиатли ва хонадонлари шарафли бир зот эди. Кимики жанобни бирдан кўриб қолса, ҳайбатлари босар эди, кимики яхши таниб, сұхбатларига

мушарраф бўлса, дийдорларига ва сұхбатларига ошиқ бўлиб қолар эди. Маддоҳлари (у зотни мадҳ қилувчиликлар): “Мен бу жанобга ўхшаган зотни на ўзларидан аввал кўрганман ва на ўзларидан кейин кўрганман”, дер эди”.

Ҳазрати Абу Хурайра разияллоҳу анху айтидилар:

“Жаноб Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи вассалламнинг муборак жисмлари шу кадар марғуб, жамил ва гўзал эдики, инсон кўриб, вужудларини Аллоҳ таъоло кумушдан кўйганмикин, деб қолар эди. Муборак соchlарида бир оз буралганлик бор эди”.

Умримиз давомида руҳиятимиз ва тафаккуримизни маънавий бойитишига ибрат бўладиган муқаддас динимиз асосчисининг мукаммал вужудлари мана шундай эди. Барча муҳадислар, муаррихлар, алломалар фозилу фузалолар ушбу мукаммал ахлоқ ва вужудга содик бўлишга интилиб яшадилар. Мана шу самимий мухаббат ва ихлос уларни дунёда илм-маърифатни юксалтиришга мушарраф қилди.

Улар умрлари давомида қийинчиликка, тангчиликка учрасалар, кишиларга камбағаллик, оғат, вабо етганини кўришса, Ватанни ёв босса, севимли пайғамбаримизнинг муборак руҳларига саловот йўллашарди. Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи вассалламдан маънавий кўмак кутарди. Азиз авлиёларнинг дуо учун кўкка кўтарилиган кўлларини Аллоҳ. Ўз севимли пайғамбарининг руҳи поклари хурматидан куруқ қайтармасди. Дуолар баракотидан барча мушкулолтлар ҳал бўларди. Бугун биз ана шундай комилликка мухтожмиз.

Бугунги синовли, ер юзида табиий оғатлар пўртана қилаётган шароитда буюк алломалар одатидек салавот айтишлик, муборак Рамазон файзини тилашлик, қалбимиз ва тафаккуримизни илм чироғи билан ёритишини Яратгандан сўрашлик қандай гўзал ва мароклидир.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ,  
Ўзбекистон халқаро ислом  
академиясининг  
мустақил тадқиқотчisi**



# Йилдирим Боязиднинг күёви Соҳибқиронига ким бўлган?

Халқаро туркий маданий ташкилоти ТУРКСОЙ томонидан 2012 йилдан бошлаб ҳар йили аъзо давлатларнинг машхур ва тарихий шаҳарларини “Туркий дунё маданияти пойтахти”, деб эълон қилиш лойихаси мавжуд. Ҳозирги қунга қадар бу мақом Астона(Нур-султан), Эскишехир, Қозон, Марв, Туркистон, Ўш ва Хива шаҳарларига берилган.

2021 йилнинг сентябрь ойида Хива шаҳрида бўлиб ўтган TÜRKSOY доимий кенгашининг 38-мажлисида Туркия шимолий-ғарбидаги Бурса шаҳри “Турк дунёси маданият пойтахти” сифатида маъқулланди. Халқаро ташкилот ҳар бир “Туркий дунё маданияти пойтахти” деб танланган шаҳарда турли тадбирлар ўтказди.

Шундай тадбирлар Бурсада бўлиб ўтди. Унда Озарбайжон, Қозогистон, Кирғизистон ОАВ вакиллари қаторида тўрт нафар ўзбекистонлик журналист ҳам иштирок этди. Туркияликларнинг ўз тарихига бўлган муносабатини кўриб, очиги ҳавас қилдик. Қадимий қишлоқ ва маҳаллаларнинг асл ҳолида саклашга бўлган уриниш, музейлардаги экспонатлар таҳсинга лойик. Буюк тарихга эга бўлган мазкур шаҳарда ўз даврида хунармандчилик, амалий санъат, меъморчилик, илм-фан ривожланган. Айни дамда гўзал табиатга эга бўлмиш шаҳарда кўплаб меъморий дурдоналар сақланиб қолган.

Шулардан бири, Амир Султон мақбараси ва масжиди. Очиги Амир Султон ҳақида кўпчилик ўзбекистонликлар деярли эшитмаган. Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг маданият ва туризм бўлими раҳбари Алпарслон Окинчи, албатта, Амир Султон мақбарасини зиёрат килишимиз борасида маслаҳат берди. Очигини айтаман, аввалига эътиборсиз қарадим, чунки бу зот ҳақида эшитмаган эдим. Аммо нима учундир Амир Султон мақбрасини зиёрат килишга муваффақ бўлдик.

Юрга қайтгандан сўнг, Амир Султон ҳақида суриштирдим. “Google” орқали интернет каналларни қидирдим. Аммо маълумот тополмадим. Деярли ҳеч нарса йўқ. Шундан сўнг, туркча қидирувни бердим ва кўплаб маълумотларни топдим. Туркча мақолаларни “Google” таржима орқали ўзбекчага ўгириб ўқиб кўрдим. Бу маълумотларни кенг газетхонларга тақдим қилмас-

лик уят. Чунки ҳалқимиз ўз аждодлари билан фаҳрланиши керак.

“Султонлар шахри” бўлмиш Бурсада кўплаб турк султонларининг кабри ва 23 та музей бор. Шаҳарда йил 12 ой сайёхлар бўлади. Сайёхлар шаҳардаги 33 та тарихий меҳмонхона ва бозорларга алоҳида хурмат билан қарайди. Шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, биносида турк меъморчилиги ва тарихи кўзга яққол ташланади. Сиз ўзингизни вақт йўллагидан ўтаётгандек хис қиласиз.

Бурсага борган ҳар бир сайёх, албатта, Амир Султон мақбарасини зиёрат қилиши ва мақбара ёнидаги масжидни кўриши керак. Келиб чиқиши буҳоролик бўлган Амир Султоннинг ҳақиқий исми Шамсиддин Муҳаммад Али Ал-Ҳусайн ал-Беруний. Унинг отаси Сайид Али Бухоронинг машхур мутасавифларидан бўлиб, сайид бўлгани учун унга “амир” унвони берилган. Тахминларга кўра, Амир Султон 770 (1368-69) йилларда тугилган. Унинг болалик йиллари ҳақида маълумот йўқ бўлса-да, яхши таълим олган дейиш мумкин. У сайид бўлиб, насл-насаби Ҳазрат Ҳусайнга асосланган. Кўплаб китобларга кўра, насаби еттинчи авлодда ўн иккинчи имом Муҳаммад ал-Маҳдий ал-Мунтазарга етиб боради. Бироқ, қариндош эканини айтган амир Ҳасан Нурий бошқача фикрни айтади. Унинг ёзишича, амир Султон еттинчи Имом Мусо ал-Қозимнинг ўғли Иброҳимдан келиб чиқкан.

У Бухорода тугилгани учун Муҳаммад Бухорий, Сайид бўлгани учун “Амир Бухорий”, Йилдирим Боязидхоннинг күёви бўлганидан кейин “Амир Султон” деб аталган.

Шамсиддин ўн етти-ўн саккиз ёшида отаси вафот этади, шундан сўнг кулолчилик билан шуғулланади. Кейинчалик Бухородан хажга йўл олади. Турли фанларда ўз сўзига эга бўлган Амир Султон дин амрларини адо этган камдан-кам одамлардан эди. Илм манбаи бўлган Бухорода улғайган амир Султон илм ўрганиш учун Макка ва Мадинага боради. Ҳажни адо этгандан кейин Мадинага жойлашиш ниятида эди. Бироқ у ерда кўрган туши билан фикридан қайтади ва Бурсага жойлашди. Унинг Бурсага Йилдири-

Боязид даврида келгани маълум бўлса-да, санаси аниқ эмас.

Тарихчи Али Нифбулу Шамсиддин Муҳаммаднинг никоҳи ҳақида ёзар экан, Йилдирим Боязид бу вақтда Валахия юришида бўлганини айтишади. Демак, у Бурсага 1394 йилдан олдин келган бўлиши керак. Бурсада қисқа вақт ичida шон-шуҳрат қозонган Шамсиддин Муҳаммад аста-секин шаҳарнинг энг ҳурматли шахсларидан бирига айланди. У амир Султон ёки амир Сайид номи билан машхур бўлиб, уламолар, шайхлар орасида ҳурматга сазовор бўла бошлади. Ривоятлардан маълум бўлишича, шаҳардаги машҳур уламолар уни зоҳир илмлари соҳасида синовдан ўтказмоқчи бўлганлар. Аммо бир мuddат унинг руҳий қудрати олдида лол қолишган.

Амир Султоннинг султон Йилдирим Боязиднинг қизи Ҳунди Хотун билан никоҳи манбаларда турлича тасвирланган. У Бурса ҳалқининг, айникса, Султон Йилдирим Боязиднинг меҳрини қозонди. Амир Султонни жуда яхши кўрган Султон Боязидхон ана шу муҳаббат белгиси сифатида қизини унга никоҳлаб берди. Бу никоҳдан болалар тугилди. Ўз даврининг энг олий кўриқчиси бўлган амир Султон “Мўжизалар султони” деб ҳам аталган. Ўз замонасидағи Ҳусмонли султонлари уни ҳурмат қилар, сафарга чиққанларида ҳузурларига келиб, муборак дуосини олган. Амир Султон бутун умри давомида дин ва юрт учун урушларга даъват этди. У ўз шогирдларига бу нарсаларнинг муқаддаслиги ҳақида доимо айтиб берарди.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Амир Султон ҳар қанча уринмасин Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасидаги тўқнашувининг олдини ололмади. Икки мусулмон-турк қўшинининг ўзаро жанг қилишини истамаган амир Султон оқибати қандай бўлишини жуда яхши биларди. Анқара урушини бошлашга жуда озфурсат қолар экан, хотини Ҳунди Хотуннинг илтимоси билан қайнотасининг олдига борди.

У Султон Боязид билан учрашган бўлса-да, уни уруш борасидаги қароридан қайтара олмади. Амир Султон турк султони Йилдирим Боязиднинг Темур юборган элчиларни ўлдиришига тўсқинлик қилди. Амир Султон

огоҳлантирганидек уруш Йилдирим Боязид мағлубияти билан тугади. Анқара урушидан сўнг Бурса Амир Темур томонидан эгалланганида Амир Султон бобомиз Амир Темур хузурига олиб кетилди.

Султоннинг күёви бўлишларига қарамай Амир Султон ҳазратлари доимо қамиш тўшакда ўтирадилар. Кўпинча қуидаги шеърни такрорлар экан:

*Юрагингиз мен билан бўлса,  
Яманда бўлсангиз ҳам  
мен билан биргасиз.  
Қалбинг мен билан бўлмаса,  
Ёнимда бўлсангиз ҳам узоқдасиз.*

Амир Султоннинг аниқ вафот этган санаси маълум эмас. Манбалар унинг Бурсада 833 (милодий 1430) илини вабо эпидемиясида вафот этганини ёзиш билан кифояланади. Қабри Бурсадаги унинг номи билан аталган масжид ёнида жойлашган. Ҳусмонли султонлари Амир Султон вафотидан кейин ҳам унга ҳурмат кўрсатган. Улар ҳар гал Бурсага келганида, албатта Амир Султон қабрини зиёрат қилардилар.

Амир Султон ҳайётлигига Бурсадан узоқрок жойларда яшовчи дарвешлар йилига бир марта келиб дуо олиб кетишарди. Бу унинг вафотидан кейин ҳам анъанага айланиб, асрлар мобайнида давом этган. Бурсаликлар неъмат деб билган бу анъана XX асрдагача давом этгани айтилади. Аммо Рамазон ва Қурбон Ҳайити байрамларининг иккинчи кунларида Эшрефий шайх ва дарвешларининг Амир Султон қабрини зиёрат қилиш анъанаси XX асрда сақланиб қолинган.

Амир Султон қабри ёнида XIV асрда илк масжид қурилди. Аммо ёнғин, уруш ҳамда 1766, 1795 ва 1855 йилги зилзилалар туфайли масжид биноси вайрон бўлди. Айни дамда 1868 йилда бунёд этилган масжид сақланиб қолинган. Мақбара Амир Султон, рафиқаси, икки қизи ва ўғли дағн қилинган.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**

Парламент комиссияси ва жамоат фонди хисобот даврида ўз фаолиятини ўтган йиллардан фарқли равишда коронавирус пандемияси ҳамда Махсус комиссия томонидан тасдиқланган карантин қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда ташкил этди. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ва жамоат фонди ўз фаолиятини 2021 йилги иш режасига мувофиқ олиб борди десак, хато қилмаган бўламиз. Даставвал, сўзимизни фонднинг ўтган йил мобайнида амалга оширган ишлари таҳлили билан бошласак.

#### Фонднинг

#### хисобот давридаги фаолияти

“Ижтимойи шериклик тўғрисида”ги Конунгинг 18-моддасига мувофиқ, Коракалпогистон Республикаси Жўкорги Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фондлари ўз фаолиятини бошлади. Унга маҳаллий бюджетдан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш учун 16 млрд.сўм маблаг ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Конунг ижросини тъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карорига мувофиқ, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини Давлат томонидан кўллаб-куватлаш учун 45 млрд. 782 млн. сўм ва бошка бир катор ННТ ташкилотларининг марказий девонларини саклаш ва устав вазифаларини бажариш учун 30,0 млрд. сўм кўшимча маблаг ажратилди ва 2021 йилда жами маблаг 75 млрд. 782 млн. сўмни ташкил этди. 2008 йилга нисбатан таққослаганда, Давлат бюджетидан ажратилган маблаглар хажми 36 баробарга, 2010 йилга нисбатан 16 баробарга, 2017 йилга нисбатан 6,5 баробарга ошган.

Маблаглар кўйидаги тақсимланди:

Давлат субсидиясини ажратиш учун - 50 млрд. 400 млн. сўм;

Давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун - 14 млрд. 800 сўм;

Давлат грантлари учун - 10 млрд. 600 млн. сўм.

#### Танловларни ташкил этиши, лойҳаларни кўллаб-куватлаш

Давлат субсидияси дастурлари ва унинг натижадорлигига тўхталсан. 2021 йилда 160 нафар ташкилотга йиллик фаолияти дастурларини кўллаб-куватлаш, девон харажатларини қоплаш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни амалга ошириш учун Парламент комиссиясининг карорларига мувофиқ 50 млрд. 400 млн. сўм ажратилди.

Ҳар бир ташкилот билан алоҳида “Давлат субсидияси ажратиш тўғрисида”ги шартнома имзоланди ва ҳар ойда молиялаштириладиган тўлов жадваллари, асосий тадбирлар режаси, смета харажатлари тасдиқланди.

Ажратилган давлат субсидияси доирасида кўйидаги ишлар амалга оширилди:

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириши борасида 100 дан ортиқ учрашувлар ташкил этилди. Jamoatchilik.uz портала давлат дастурининг бажарилиши юзасидан маълумотлар жойлаштирилди. 10 та жамоатчилик эшитувчи ўтказилди.

Худудий бўлимлар томонидан 10 дан ортиқ маасала ҳалқ депутатлари вилоят кенгашлари сессияларига олиб чиқилди. Давлат дастурининг амалга оширилишини тизимли мониторинг килиш бўйича 188 та мониторинг тадбирлари ўтказилди.

Харакатлар стратегиясининг 5 йиллик натижаларига багишланган маҳсус рисола – 5 000 нусхада, “Фактлар китоби” (Factbook) 35 000 нусхада ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди ва тарқатилди. “Ўзбекистонда демократия” номли бюллетенинг 52 та сони 700 нафар маҳаллий ва хорижий эксперталарга етказилди, Харакатлар стратегияси фаолиятига оид 1 100 нусхада рисолалар чоп этирилди.

Республика худудларида 574 та учрашув ва “давра сухбатлари”, 5 000 нафар қатнашчи иштирокида 18 та ҳалқаро форум ўтказилди.

“Таракқиёт стратегияси” маркази ҳисобот даврида 80 дан ортиқ миллӣ, 50 га яқин ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан биргаликда тадбирлар уюштириди. Уларда 9 000 нафардан ортиқ мутахассис ва 1000 дан ортиқ ҳалқаро эксперталар иштирок этди.

Марказнинг 2021.strategy.uz ва норматив-хукукий ҳужжатлар лойҳалари мухокамаси портали www.regulation.gov.uz сайларига давлат дастури лойҳаси юзасидан жами 3 162 та тақлиф келиб тушди. Давлат дастури ижросига багишланган “Таракқиётга элтувчи натижалар” номли тўплам чоп этилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳалқ дипломатияси марказининг 20 йиллиги ҳамда ушбу нуфузли тузилемага раислик килиш Ўзбекистонга ўтганилиги муносабати билан Марказ томонидан ШХТ ҳалклари маданияти ҳакидаги билимларни янада чукурлаштириш ва бошка муҳим максадларга каратилган онлайн ва оффлайн шаклда 7 500 нафар иштирокчни қамраб олган жами 70 га яқин тадбир, 4 та кўргазма ташкил этилди. 40 дан ортиқ мақола ва ахборот материаллари тайёрланди.

Ташкилот томонидан “Саккиз элнинг саксон улуг сийомси” китоби ҳамда “Баркарор ривожланиши таъминлашда етакчи хотин-қизлар ролини ошириш”, “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари лидер аёлларининг Тошкент Форум

ми” материаллари тўплам сифатида нашр этилди. Ташкилотнинг фаолияти ОАВларда ёритиб борилди.

“Маърифат тарғиботчилари” жамияти Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитаси ҳамкорлигида “Адашган оқимлар ва мутасаби шахслар гояларига раддия тайёрлаш” ўйналиши бўйича 517 нафар имом хатиб, Диний-маърифий таълим мусассасалари ва илмий-тадқикот марказлари мутахассислари ҳамда отинойларнинг малакаси оширилди.

Амир Темур таваллудининг 685 йиллиги муносабати билан “Амир Темур — дунё олимлари ва адиллари нигоҳида” мавзусида ҳалқаро конференцияси ўтказилди.

Вазирлик, идора ва корхоналарда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари иштирокида 200 дан ортиқ “Маърифат соати” ҳамда 1800

маҳаллий олимлар билан ҳамкорликда “Ўзбекистоннинг 114 Қуръони”, “Ўзбекистоннинг 100 та нодир кўлёзмаси” сингари лойҳалар ҳам изчил давом эттирилмоқда.

“Digital Generation Uzbekistan”, “Рақамли автол – 2021” тадбиринда 1 000 дан ортиқ талабалар онлайн форматда катнашди. Эшитиш кобилияти заниф 12 нафар талаба инклюзив IT-таълим олиш учун оффлайн форматда таҳсил олди.

“Raqamli Avlod Qizlari Forumi”, “Women Techmakers IWD Tashkent – 2021”, “IT Professional Orientation Day” тадбирлари ташкил этилди. Тадбирларда республика миқёсида 1000 га яқин ўқувчи иштирок этди.

Ташкилот дастурлашнинг бошлангич дараҷасини ўзлаштириш бўйича “Дастурлаш асослари” кўлланмасини чоп этди. Болаларни замонавий мутахассисликлар (каслблар)га тайёрлашда

# ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР САЛМОФИ



нидан 28 нафар ҳалқаро ташкилот ва эксперталарнинг баҳолари, фикр-мулоҳазалари чуқур ўрганилди. Жараёнлар “Ўзбекистон-24” телеканали, шунингдек “Ўзбекистон стратегияси” журнали ва Марказнинг расмий веб-сайтида мунтазам ўтказилди.

“Таракқиёт стратегияси” маркази платформаси орқали 2021 йил давомидан 10 дан ортиқ жамоатчилик эшитувлари ўтказилди ва ОАВда ёритиб борилди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан 13 та юзма-юз, мақсадли ва 29 та телефон сўрови ўтказилди, улар билан тегишли равишда 13996 ва 17729 нафар респондентлар қамраб олинди. Ҳисобот даврида сўралган респондентларнинг умумий сони 31725 кишини ташкил этди.

“Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари: усууллар, назария ва амалиёт” мавзусидаги доимий Республика илмий-амалий семинарининг 11 та юглиши ўтказилди. 5 та монография ва 4 та ўқув-методик кўлланима чоп этилди. Умумий хисобда 87 та веб-сайтиниши иш кўриб чиқилди. 3 120 та мақола танлаб олиниб, таҳлил килинди. Жами 10 та интервью ташкил этилди, 12 та мавзу бўйича инфографикалар тақдим этилди, 60 та мақола эълон килинди. “Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари” журналини нигтўртта сони нашрдан чиқди.

Ҳалқаро пресст-клуб томонидан жами 226 та лойҳа тайёрланниб, эфирга узатилди. Лойҳаларнинг 34 таси сессия, 12 таси сайёр сессия шаклини таъминлаштиришни таҳлил килинди. 6 таси “Портрет” ҳамоатчилик тарзида таъминлаштиришни таҳлил килинди. 6 та “Тет-а-тет” дастури, битта “Виртуал” ва 3 та “Ҳалқ вакили” лойҳаси, 113 та “Масофада” кўрсатувлардан иборат.

Шунингдек, хафтанинг муҳим янгиликларига багишланган “Ҳафта акцентлари” дастури ҳамда 21 марта, 2 та мулокот, 4 та маҳсус репортаж ҳамда 15 та брифинг телетомошибинлар иктиёрига ҳавола килинди.

Ушбу лойҳалар жонли ҳамда ёзиб олинган шаклда 643,5 соатни, тақорир эфир 270,5 соатни, жами эфир вақти 914 соат эфирга узатилди.

Ҳалқаро пресст-клуб жамоаси “Масофада” кўрсатувчи ҳамоатчилик ташкилотларини таъминлаштиришни таҳлил килинди. 6 та “Тет-а-тет” дастури, битта “Виртуал” ва 3 та “Ҳалқ вакили” лойҳаси, 113 та “Масофада” кўрсатувлардан иборат.

Шунингдек, ҳафтанинг муҳим янгиликларига багишланган “Ҳафта акцентлари” дастури ҳамда 21 марта, 2 та мулокот, 4 та маҳсус репортаж ҳамда 15 та брифинг телетомошибинлар иктиёрига ҳавола килинди.

“Журналистлар баҳори” лойҳаси доирасида “Янги Ўзбекистон. Янги нигоҳ” медиа хафталиги ташкил этилди.

“Озод юрт тўлқинлари” фестивалида 100 нафар журналист ва техник ходимлар кимматбаҳо совгалар билан тақдирландилар.

“Демократик дебатлар” лойҳаси бўйича барча партия вакиллари иштирокида сайловолди ташвиқоти натижаларига бағишилаган брифинглар ўтказилди.

Дан ортиқ маданий-маърифий тарғибот тадбирлари, ижодий учрашувлар, бадиий кечалар ўтказилди.

“Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида 9 номдаги 60 480 дона китоб Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Манавияти ва маърифат кенгашларига 4 320 донадан тақдим этилди.

“Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик – миллӣ гоямизнинг пойдеворидир” номли асар 10 минг нусхада нашр этилди ва барча худудларга тарқатилди.

“Зукко Болажон!” фотоальбоми нашр этилиб, зиёлилар, соҳа мутахассислари иштирокида тақдимот маросими ўтказилди.

“Мотивация” номли киска метражли ҳужжатли фильм ҳамда “Мен 30 ёшдаман”, “Боланзигза беъзтибор бўлманг” номли видеороликлар тайёрланди. ОАВ ларда 100 дан ортиқ мақолалар чоп этилди ва 1500 га яқин пост жойлаштирилди.

ЎзЭОАВМА мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар жараёнини ҳалқимизга ва ҳалқаро жамоатчиликка тезкор, холос ва ҳакқоний тарзда етказилишига кўмаклашши массадида 60 та лойҳани ўз ичига олган “Янги Ўзбекистон. Янги нигоҳ” медиа-дастурини кабул килди.

Сайлов тўғрисида аҳолининг хукукий сайдоҳонлигини ошириш бўйича катор телеканал ва радиоканалларда 3000 дан ортиқ кўрсатув ва эшитирошлар эфирга узатилди. Тадбирда 250 дан ортиқ миллӣ ва 60 га яқин хорижий журналистлар 7000 дан зиёд ахборот ва таҳлилий материаллар орқали таҳлил килинди. Тадбирларда 70 га яқин эксперталар ва 300 дан зиёд хорижий кузатувчilar иштирок этишиди.

Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган “Ёшлар оромгоҳи”да “Навқирон журналистлар – 2021” медиа-оромгоҳи ташкил килинди.

“Журналистлар баҳори” лойҳаси доирасида “Янги Ўзбекистон. Янги нигоҳ” медиа хафталиги ташкил этилди.

“Озод юрт тўлқинлари” фестивалида 100 нафар журналист ва техник ходимлар кимматбаҳо совгалар билан тақдирландилар.

“Демократик дебатлар” лойҳаси бўйича барча партия вакиллари иштирокида сайловолди ташвиқоти натижаларига бағишилаган брифинглар ўтказилди.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Сайлов – 2021” видеороликл

ишилб чикишда ўз тақлифлари асосида ўзгартгиришлар киритишга эриши.

“Биз биргамиз!” 3-Республика савдо ярмараси 70 нафардан ортик ногиронлиги бўлган шахслар учун ташкил килинди.

Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси томонидан “Ногиронларнинг хукуклари тўғрисида”ги, “Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Ногиронлар хукуклари тўғрисидаги Конвенцияси тўғрисида”ги Конунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича 7 та сайдер семинар-тренинг ўтказилди.

Ассоциациянинг турли форматдаги 20 дан ортик тадбирда 600 дан ортик катнашчи иштирок этди.

Талабалар ўртасида “Инклузив жамият сари” ишнолар танлови ташкил этилди.

Ўзбекистон ННТ кўллаб-кувватлаш жамоат фонди ижтимоий лойихаларини кўллаб-кувватлаш мақсадида 4 та ўйналишда 8,5 млрд. сўм давлат гранти маблагини 120 та ташкилотга танлов асосида ажратиб берди. Голибларга Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида сертификатлар топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 марта Фармон ижросини таъминлаш мақсадида ЎзННТМА билан ҳамкорликда Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилган малака ошириш курсларида 50 нафар ННТ раҳбарлари ўқитилди.

“Барқарор ривожланиш” маркази давлат ва жамиятнинг баркарор ривожланиши ҳамда мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий-хукукий жараёнларга оид 10 дан ортик илмий-таҳлилий материаллар тайёрлади. www.brmmnt.uz веб-сайтига 1 000 га яқин ахборот материаллари жойлаштирилди.

Хисбот даврида 540 га яқин маҳаллий ва 200 дан зиёд хорижий эксперторлар иштирокида 4 та халқаро конференция ва давра сухбатлари ўтказилди. Иштирокчиларга 30 га яқин тарқатма материаллари тарқатилди. Халқаро тадбирлар ОАВда кенг ёритилди ва 50 га яқин телекўрсатувлар тайёрланди.

Тадбир якунлари бўйича тайёрланган “Президент сайловининг конституцияий-хукукий асослари: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси”, “Гендер тенгликни таъминлаш баъд карарор ривожланиш” халқаро конференциясида оид якунният материаллар 500 нусхадан китоб холида нашр этилди ва тарқатилди.

2021 йилда давлат субсидиясини амалга ошириш доирасида 1099 та фуқаронинг бандлиги таъминланди. Уларга иш ҳаки сифатида 27 млрд. 152 млн. сўм маблаг тўлаб берилди. Лойихаларни амалга ошириш учун кўшимча 18 млрд. 739 млн. сўм маблаг жалб этилди. 13 314 та кўнгиллилар (волентёр) жалб этилди.

9 910 та тадбир ўтказилди ва ушбу тадбирларда 246 564 та иштирокчи катнашди. 274 та тарқатма материал ишилб чикилиб, 107 440 та нусхада нашр этилди ва тарқатилди. Амалга оширилаётган ишлар 12 462 маротаба ОАВда ёритилди. Даструр доирасида 15 137,1 млн. сўмлик 749 хилдаги турли инвентар ва асосий воситалар сотиб олинди.

## Буюртмаларни танлов асосида жойлаштирилиши

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Конуннинг 21-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлиса йўллашган Мурожаатномасида кўйилган вазифалардан келиб чиқиб, 14,8 млрд. сўмлик 25 та давлат буюртмаси танловга кўйилди.

Парламент комиссиясининг қарорига мувофиқ 23 та ташкилотнинг давлат ижтимоий буюртмаси 14,3 млрд. сўмга кўллаб-кувватланди.

Мазкур кўллаб-кувватлаш таълим, маданият, тибиёт, экология, кадастр, қурилиш, коммунал хўжалиги, бандлик ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби соҳаларда ННТ фаоллигини ошириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг самарадорлигини кучайтиришга каратилди.

Хусусан:

1. Таълим соҳасида: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Наманган вилоятларида 360 нафардан ортик бошлангич синф ёшидаги ногирон болаларга инклузив таълим бериш тизими яратилди;

— одам савдоси, ноконуний мигарция, зўровонлик ва бошка шу каби салбий холатларга майиллик нисбатан юкори бўлган Республиканинг 350 та ўрта мактабларидаги юкори синф ўқувчиларидан 35 000 нафари билан маънавий-маърифий ва тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Тошкент шаҳридаги ўрта мактабларидаги 1 000 нафар 9-11 синф ўқувчиларининг ўз

иқтидори ва қизиқишиларига мос бўлган касбни танлашига кўмаклашилмоқда.

— 25 та олий ўкув юртларидаги ногирон таълаб ёшларни тўлаконли таълим олиши учун “Тўсикиз мухит” шакллантирилмоқда.

— ички ва ташкил мөхнат бозорида таълаб юкори бўлган 15 та касб бўйича 10 000 нафар ёшларни “Дуал таълим дастури” асосида янги форматда касбга ўргатишади ва ишга жойлаштиши ишлари олиб борилмоқда.

— халқаро “WorldSkills” стандарти асосида 7 та ишчи касб бўйича ўкув режаси, 20 та таълим дастури ва методик кўлламалардан иборат онлайн касб ўқитиш таълим платформаси яратилди. 5 000 га яқин ишчи мутахассислар тайёрланиб, бандлиги таъминланади.

— 10 та олий ўкув юртида 10 000 дан ортик талабаларни “III Ренессанс пойдевори” шаклланишига, илм-маърифати кадрлар бўлиб ётишишига кўмаклашадиган тизими маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

2. Тиббиёт соҳасида: Қораклигистон Республикасининг Хўжайли туманидаги

26 та маҳалла истиқомат қизилвчи 5 000 нафар нафақадаги шифокорлар, ўқитувчилар ва бошка зиёлилар иштирокида “Саломатлик мактаби” ташкил этилди. “Саломатлик дарслари” ўтказилди.

— Хоразм вилоятининг Янгиарик, Кўшкўпир ва Янгибозор туманларида 4 000 дан ортик оиласидаги аёллар ва болаларда ирсий, юкумли ва онкология касалликлар профилактик кўригидан ўтказилди. 50 та аёл, 150 та бола ҳамда 50 та ногирон шахсга ижтимоий-хукукий ва тиббий-психологик ёрдам кўрсатилди. Туман тибиёт мусассалари 20 та тибиёт асбоблари ва даволаш ускуналари билан таъминланди.

3. Қурилиш ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида: ноконуний қурилишларнинг олдини олиш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга каратилган “Огох фуқаро” электрон тизими яратилди, 10 000 дан ортик фуқарога бепул онлайн маслаҳат бериш имконияти шакллантирилди.

— фуқароларнинг қурилиш борасидаги хукукий маданиятини юксалтириш мақсадида 20 000 нафар фуқарога шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасида давлат сиёсати тушунтирилади. Шунингдек, қарорлар, бош режаларни кабул килишда ахолининг фикри ва тақлифарини инобатта олиш механизми жорий этилди.

— Наманган вилоятининг Коғонсой тумани “Ўрта кўча” ва Поп тумани “Соҳибкор” маҳалласидаги 16 500 дан ортик ахоли марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланади ҳамда шу соҳа билан бояни 4 та янги иш ўрни яратилди.

4. Туризм ва спорт соҳасида: Самарқанд ва Бухоро шаҳридаги туризм йўналишидаги олий таълим муассасаларининг талабаларининг 10 та “стартап” лойиха ташабbusлари кўллаб-кувватланиши ҳамда 100 та янги иш ўрнилари яратилиши мақсад килинган.

— Шифобахш сувлар, ноёб туз ва бошка табии имкониятларни ўз ичига олган 15 та янги экотуризм маршурути яратилди. Ягона онлайн база ва Электрон харита (веб сайт) ишга туширилди.

— Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг маданий мерос обьектларида ногирон шахсларнинг эркин харакатланишига шарт-шароит яратишни назарда тутган “Тўсикиз туризм” дастури асосида веб-сайти ишларни яратилди. “Саёҳат барча учун” хайрия акцияси орқали 200 нафар ногирон шахснинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳати амалга оширилди. З нафар ногирон шахсни иш билан таъминланди.

5. Миллатларро муносабатлар соҳасида: 50 дан ортик миллий маданий марказларнинг кошида иктидори ёшлардан иборат 50 та “Ёшлар қаноти” ансамбллари ташкил этилди.

6. Коррупцияга қарши курашиб соҳасида: Коррупцияга қарши курашиб соҳасида 160 нафар журналистлар ва блогерларда журналистик суроштируви мавзусида билим ва кўнкималар оширилади. “Коррупциядан барчамиз жабланамиз” мавзусида эркин ижодий танлов ўтказилади. “Коррупцияга қарши курашиб журналист ва блогер суроштируви” номли ўкув кўлланмаси 1 000 нусхада чоп этилади.

7. Маданият соҳасида: 100 дан ортик аудио, видео ҳамда матнли маълумотлар базасини ўзида жамлаган “Ўзбекистоннинг ноғодий маданий мероси” маълумотлар базаси яратилди. Ноғодий маданий мерос маълумотлар базаси яратилди. Номоддий маданий мерос маълумотлар базасини янгилаш мақсадида Республиканинг ҳар бир худудида 14 та семинарлар ўтказилди ва 14 та экспедициялар ташкил

этилди. Янги ноғоддий маданий мерос рўйхати ЮНЕСКОга тақдим этилади.

8. ОАВ ва матбуот соҳасида: Жамиятда кечайтиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисолий ўзбекшарлар ҳамда янгиланишлар хакида www.uz.a.uз сайтида хафтасига 2 та макола ҳамда 24 та графикали материаллар халқаро жамоатчиликка етказилади.

9. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида:

— Зўравонликдан жабланган, оғир ижтимоий ахволда қолган, ўз жонига қасд килиш ҳолати юкори бўлган худудларда 1 000 дан ортик шахсларга психолого-механическим тизими яратилди.

— Тошкент шаҳрининг 11 та МФЙда “Маҳалла фуқаролари муҳофазаси” марказида иштирокчиларни таъминланади. 110 нафар фуқародан иборат “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” гурухлари тузилади.

— Давлат ижтимоий буюртмаси доирасида 238 та фуқаронинг бандлиги таъминланади. Ташкилотлар 1 млрд. 204 млн. сўм кўшимиша маблаг жалб этиди. 1 292 та кўнгиллилар (волентёр) жалб этилди.

— Лойихалар жараённида 331 та тадбирлар ўтказилди ва 38304 та иштирокчи ушбу тадбирларга катнашди. 19 та тарқатма материаллар, 38304 та нусхада босилиб тарқатилди. 247370 маротаба ОАВ ёритилди.

## Грант танловлар салмоғи

Давлат грантлари танловларини ўтказилди Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондининг ННТ ва фуқаролик жамияти бошка институтларининг мухим ижтимоий аҳамиятта молик. Давлат дастурларини амалга оширишдаги ижтимоий шериклигини давлат грантлари шаклида кўллаб-кувватлаш дастуринг мувофиқ амалга оширилди.

2021 йил давомида 80 та устувор йўналишни қамраб олган давлат грантининг 6 та танлови ўтказилди ва давлат грантлари шаклида 290 та лойиҳа 11,9 млрд. сўмга молиялаштирилди. Танловда 830 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятнинг бошка институтлари 867 та лойиҳаси билан иштирок этди.

Танловлар куйидаги йўналишларда ташкил этилди:

— “Ёшларни кўллаб-кувватлаш ва ахоли саломатларни мустаҳкамлашши йили” давлат дастури ижтимоий аҳамиятни таъминлашади ННТ лойихаларни кўллаб-кувватлашши;

— “Аҳолининг хукукий онги, инсон хукуклари ва мулокот маданиятини юксалтиришда жамоатчилик назоратини ташкил этиши”;

— “Ёшларни маънавий етук килиб тарбиялашда ҳамда бандлигини таъминлашда ижтимоий шериклини кучайтириши”;

— “Жамиятда соглом турмуш тарзини тарғиб килиши ва ахоли соглигини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириши”;

— “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” гояси асосида фуқаролик жамияти институтларининг маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқоти лойихаларни амалга ошириши ўтказилди.

— “Миллатларро багрикенлик ва дўстлик мухитини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларини кўллаб-кувватлашши”;

Парламент комиссиясининг қарорларида мувофиқ ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятнинг 290 та лойиҳаси 11,9 млрд. сўмга кўллаб-кувватлашади.

Молиялаштирилган лойихалар “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”-га киритилган

У – тиниб-тинчишни билмайдиган, ғайрат ва шижаотга тўла инсон ва ўз мақсади ўйлида асло чекинмайдиган, сабитқадам, фидойи устоз. Очиқ овоз билан ижро этиладиган Хоразм достончилик мактабининг илғор пешқадамларидан бири. У хозирда ҳам Хоразм достончилик анъанасининг ривожига муносиб ҳиссасини қўшаётган ва айни пайтда шу мактабнинг янги вакилларини кашф этишда ҳам илдам бўлган устазода санъаткордир.

## БАХШИНИНГ БАХТИ

Гап 4 апрель  
куни муборак 90 ёшни қаршилаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, “Маданият ваксанъат фидойиси” кўкрак нишони совриндори Отахон бахши Матёқубов ҳақида кетмоқда. Одатда, бу ёшга кириш қийин, киргандага ҳам обрў, эътибор билан шогирдлар эктиромида бўлиш мушкул. Ёшларга ибрат бўлаётган Отахон акага ҳавасингиз келади. Аксарият бу ўщдагилар соғлигини сабаб қилиб нафақага чиқиб ўтирган бўлади. Устоз қизиқ бир гапи бор “эпақага келмаган нафақага чиқади”, дейа ҳазиллашади.

Даставвал, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида, хозирда эса Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институтида “Достончилик” кафедрасида хоразм достончилик мактаби анъанаси бўйича достон ижро чилиларини тайёрлаш бобида вужуди ғайратга тўла. Аслида, бу шижаот бугунги кундаги кўпгина бахшиларнинг устози “Бола бахши” (бу номни, аслида, Хива хони Феруз шоҳ берган дейишади) номи билан юритилган Хоразм достончилик мактабининг асосчиларидан бири Курбонназар Абдуллаевга ҳам хос бўлган. У инсон ҳам Хоразм, Туркманистон ва Қорақалпоғистон томонларда достон куйлаб, достон термаларини завқ-шавқ билан ижро этиб, етти ёшдан етмиш ёшгача барчанинг эҳтиромида, эътиборида бўлган зот эдилар, раҳматлик.

Энди гапни буёқдан эшитинг. Отахон оғанинг ғайратига ғайрат қўшган, кучига куч қўшган муҳим омиллардан бири Давлатимиз раҳбарининг бахшичилик санъатига бўлган эътибори ва қабул килган қарори десак, хато бўлмайди. Президентимизнинг 2019 йил 5 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори том маънода ушбу санъатнинг равнақи борасида истиқболли йўл ҳаритаси бўлди дейиш мумкин. Отахон оға кўнглидаги орзуларининг рўёбга чиқишига имкон яратилганидан шод.



У янада авжланиб фаолиятини давом эттироқда. Достончилик мадданий месросимизнинг муҳим бир бўлаги, тилаги эканлигини билиб қадимий достонларни умрига умр қўшишдек шарафни ҳам савоб, ҳам сабоқ деб билди.

Жиров, бахши, ўзан, оқин, манасчи атамалари билан юритилувчи бу санъат ўз соҳибидан серкираста истеъодни, актёрлик маҳорати билан бирга мусиқий қобилият ва юксак қувваи ҳофизани талаб этади. Ўзбекистонда достончиликанъаналари, достончилик мактаблари анча. Ҳар бирининг донг қозонган достончилари бор. Улардан фарқли ўлароқ, бўғизда эмас, балки очик овоз билан куйлаш, бутун бир ансамбл билан достон ижро этиш ва эшитиш ҳам хузур бағишилайди.

Халқимизда “устоз – шогирд” анъанаси – тараққиёт тантанасидир деган гап бор. Бахшининг ана шундай шогирдларидан бири ўтган йили “Шуҳрат медали” соҳиби бўлган Расулбек Абдураҳмоновдир. Расулбек ҳам устози сингари Хоразм достончилик мактабига мансуб бўлган ошиқ туркумидаги достонларини ёд олган, қуввайи ҳофизаси баланд, ижро манераси ўзига хос умидли бахшилардан.

Бола бахшининг дастлабки шогирдларидан бўлган Отахонака 1932 йилнинг 4 апрелида Хоразмнинг аввалиги пойтахти Кўхна Урганч шаҳридан юз чакирим кунчиқарда, Хивадан юз чакирим кунботарда ҳозирги Тукманистонда жойлашган Илонли қалъасида дунёга келган. У ўзининг таржимаи ҳолида: “Падари бузрукворим Матёқуб Сафар ўғли (1885-1970) миллати ўзбек, тижоратчи чапончуруш эди. Волидам Ўғилжон Оллаберган қизи (1898-1980) миллати ўзбек, уй бекаси эдилар. Илонли қалъасининг асарияти ўзбеклар бўлиб, кўпчилик эркаклар хунармандчилик билан шуғулланган. Аҳолининг асосий ота-боболари Хоразмнинг Хива, Урганч, Шовот, Гурлан ва Ҳонқа шаҳарларидан кўчиб келишган бўлиб, қалъа атрофи қишлоқларига жойлашган ва дехқончилик қилас

ди. Улар қишлоқлари номини ўзларининг ота-боболари яшаган Хоразмдаги қишлоқлар номи: Қорамози, Кенегас, Оғар, Чандир, Дўрман, Хўжа, Махтум ва шунга ўхашаш номлар билан аташган. Дунёга машҳур Махмуд Замаҳшарий бобомизнинг туғилиб ўсган Шарловук қишлоғи ҳам қалъамиздан 7-8 чақирим нарида жойлашган. Бутун ёшлигим шу жойларда ўтди”, дейа эслайди Отахон бахши.

У ёшлигидан хотираси жуда ўткір бўлиб, ўзининг қишлоқдоши Олийли-Чувал, бахши-Махтимқули Гарлиев ижросидаги достонларни тинглаган ва ёд олишга ҳаракат қилган. Мусиқага ва достончиликка жуда қизиқанлигидан 7-8 ёшларида ўндан ортиқ достонларни ёд билган. 1948 йили Комилжон Отаниёзов Илонлига тўйга келган ва ёш Отахонни эшитиб кўриб: Бу болага худо берган экан деб, Тошкентга боришини тавсия қилган экан. Шу йили Бола бахши ҳам ўша қишлоққа тўйга келади ва ёш Отахон бу бахшини эшитиб, достончиликка янада меҳр қўяди. Кейин Момосига ялиниб “шу бахшига шогирдликка беринг”, дейди. Момоси ёш Отахонни олиб Хива-

Отахон Матёқубовнинг репертуаридан Гўрўғли туркум достонларидан “Гўрўғлининг туғилиши”, “Хирмондали”, “Бозиргон”, “Авазхон”, “Авазнинг уйланиши”, “Араб Райхон”, “Чамбил қамали”, “Шахидлар маскани”, “Ошиқ Маҳмуд ва Нигорхон”, “Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам”, “Тохир ва Зухра” достонлари билан бирга Хоразм ва Тошкент мумтоз ашулалари, халқ ялла қўшиклари жой олган.

Мана, ўзбек фольклори, хусусан халқ достонларига меҳри инсоннинг миллатпарварлиги, қадриятларга бўлган ишонч ва эътиоди. Халқ яратган дурдоналар узоқ асрлик тарихнинг садоси, кучли ва таъсирчан курол эканини билгани, ўтмиш келажакнинг устози эканини идрок этган Президентимиз 74 мамлакатдан 160 та меҳмон иштирок этган Халқаро бахшилар фестивалида ушбу мулоҳазаларни уқтиришлари бежиз эмас: “Айни вактда ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қи-



га Бола бахшининг уйига боради. Бола бахши ўша даврнинг машҳур бахшиси бўлган ва шогирд танлашда жуда талабчан экан. Устоз ёш Отахонни эшитиб кўриб бу боладан бахши чиқмайди, олиб кетаверинг, дейди. Момоси илтимос қилиб, “бала хафа бўлмасин, ҳеч бўлмаса бир ҳафта сизни ёнингизда бўлсин, кейин кетар дейди, хуллас, ёш Отахон меҳнатсеварлигидан мусиқага достончиликка қизиқишидан Бола бахшининг эътиборини қозониб, севикли шогирд бўлади.

зиқиши, афсуски, сусайиб бораётгани ҳам сир эмас”.

Таъкидлаш жоизки, достонларга умр бахши этувчи бахши айни пайтда ўзининг умрини ҳам мангуликка муҳрлаб боради. Бахши меҳрида халқ муҳридан яралган достонлар каби Отахон оғанинг ҳам умри узун ва сермазмун бўлаверсин.

**Рахимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**  
**филология фанлари номзоди,**  
**“ТИХММИ” Миллий тадқиқот**  
**университети доценти,**  
**фольклоршунос**

# МАСЬУЛИЯТЛИ БЎЛИШ ФУРСАТИГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат аҳолисининг умумий демографик портрети билан бирга яшаш шароити, бандлиги, жинси, ёш даражалари, фуқаролиги, худудларда аҳоли зичлик даражаси ва бошқа ижтимоий-иктисодий хусусиятлари ҳақида ишончли маълумот тўплаш имконини беради.

Бу ўз навбатида худудларни ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига ёрдам кўрсатиш, бўш иш ўринларини ташкил этиш зарур бўлган энг муаммоли худудларни аниқлашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, худудларнинг хариталарида мавжуд ҳатоликларга ечим топиш бўйича аниқ таклифлар бериш имконини вужудга келтиради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга таёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарорга мувофиқ аҳолини рўйхатга олиш 2023 йида ўтказилиши белгиланди. Тадбирга таёргарлик сифатида мамлакатимизнинг тўрт худуди: Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Хоразм вилоятининг Ҳива шахри, Тошкент вилоятининг Юқоричирчик тумани ҳамда Тошкент шаҳарнинг Яшнобод ту-

манларида синов тариқасида ишлар бошланди.

Ушбу масъулиятли тадбир юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ваколатли орган хисобланади. Сўнги уч декададан буён ўтказилмаган тадбир учун тайёргарлик пухта давом эттирилмоқда. Турли давлат органлари ва маҳаллалар билан бевосита мулоқотга киришиш давомида маҳаллий муаммолар ҳам ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда маъқулланган Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги конуннинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўйидаги ваколатларга эга:

— аҳолини рўйхатга олиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлади;

— аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибини, Аҳолини рўйхатга олиш дастурини

ҳамда рўйхатга олиш варагининг шаклларини тасдиқлайди;

— аҳолини рўйхатга олишнинг якунний маълумотларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

— давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

— аҳолини рўйхатга олишга жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

Юртимизда аҳолини рўйхатга олиш юзасидан ҳаракатлар бугунги кун зарурати ўлароқ амалга оширилмоқда. Юртимизда охирги марта аҳолини рўйхатга олиш жараёни бундан 32 йил аввал бўлиб ўтгани бу масаланинг ҳозирда қандай аҳамият касб этишини кўрсатиб беради. Умид қиласизки, маҳаллалар билан ишлаш жараёнида рўйбарў келган масалалар ва йигилган маълумотлар асосида аҳоли турмушини енгиллатиши, уларни қийнаётган муаммолар ечимига қаратилган таклифларни бера оламиз.

**Бахтиёр БОЙМУРОДОВ,  
Тошкент шаҳар статистика  
бошқармаси Рўйхатга олиш  
жараёнларини ташкил этиш ва  
ўтказиш бўлими бошлиғи**



## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Узбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош мұхаррір Максұд ЖОНОХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-308  
Адади: 1507.  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва аҳборот агентлигига  
2006 йил 0010-ракам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

**Навбатчи:**  
Муроджон РАҲМАТОВ

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва ёълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiat@mail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00  
1 2 3 4 5 6

## ЭНГ МУХИМ ХУЖКАТ



Архивлар — ўзига хос аҳборот манбаи. Архивларнинг бошқа аҳборот берувчи воситалардан фарқи шуки, аҳборот воситалари қундалик янгиликлар ҳақида хабар берса, архив хужжатларида ўтмиш ҳақидаги аҳборотлар жамланган.

Бунда яна бир жиҳат борки, архив хужжатлардаги аҳборотлардан ҳамма ҳам фойдалана олмайди. Бу каби хужжатлар маҳсус тадқиқотлар талаб қиласи ва бу аҳборотлар мутахассис илмий ходмлар томонидан ўрганилиб, турли фанлар нуқтаи назаридан хуносалар чиқариш учун доимий сақланади.

Архивларнинг асосий фаолияти давлат ва жамият учун аҳамиятли бўлган, ўзида қўмматли маълумотни сақлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган. Тошкент шаҳар марказий давлат архивида Ўзбекистоннинг катта ҳажмга эга архив фондлари сақланаб келинмоқда. Муассасада 1917 йил ва 1991 йиллар собиқ совет даврида сақловга олинган архив фонларида пойтахтимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини акс эттирган хужжатлар сақланади. Жумладан, бу йилларда Тошкентга эвакуация қилинган аҳоли саноат корхоналари ҳамда шаҳар аҳолисининг матонат ва жасорат намуналарига бой бўлган Ўзбекистон тарихига оид маълумотлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, 1991 йилдан бугунги кунга қадар мустақиллик даврига оид таълим, фан ва маданиятга доир ўзгаришларни ҳам ўзида ифода этган манбалар сақланмоқда.

Ушбу хужжатлар Тошкентнинг 100 йилдан ортиқ даври тарихи ҳақида маълумот беради. Шу боис, улар ҳақоний тарихимизни ёритишида муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Тарихий меросни асрар авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”. Бугунги авлодга тарихимизни пухта ўргатиш ёшларни тарих илми билан қуроллантириш ўта муҳим. Зоро, тарих инсонга ўзлигини англашга ёрдам беради. Бу йўналишда, айниқса, таълим муассасаларида тарих фани ўқитувчиларининг ўрни бекиёс.

Муассасада сақланади. Миллий архив фонд хужжатлари хорижий ва маҳаллий олимларимиз томонидан ўрганилиб, тарихимизнинг очилмаган саҳифалари халқимизга етказиб борилмоқда. Бой маънавий меросимизни асрар-авайлашда архивларнинг ўрни ва аҳамияти муҳим аҳамият касб этиб бораверади.

**Ғани ЖЎРАЕВ,  
Тошкент шаҳар Учтепа тумани  
106-сонли мактабнинг тарих фани  
ўқитувчиси**

Эълонлар  
**“Тошкент Минтақа” МЧЖ**  
бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида  
ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига  
таклиф этади!

“O’zbekiston Respublikasi Issiqlik Elektr Stansiyalari” АЖ, “Toshkent “Issiqlik Elektr stansiyasi” Aksiyadorlik Jamiat” нинг ва 2022 йил 30 мартағдаги №04-30/1174 сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти Кирай тумани Салар Toshkent “Issiqlik Elektr stansiyasi” АЖда сакланадиган 1. “Газ52” русумли давлат раками 10/402КАА бўлган 1987 ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошлангич баҳоси - 8 007 140 сўм. 2. “Газ 3302” русумли давлат раками 10/413 КАА бўлган 1995 ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошлангич баҳоси - 49 179 000 сўм. 3. “2ПТСС-4С793” русумли давлат раками 10 ВА 170 бўлган 1975 ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошлангич баҳоси - 12 023 000 сўм. 4. “Матиз” русумли давлат раками 10/944 ЯА бўлган 2002 ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошлангич баҳоси - 21 278 000 сўм аукцион савдосига кўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2022 йил 6 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул килинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул килишнинг охирги муддати: 2022 йил 5 май куни соат 16:00. Автотранспорт воситаси 2022 йил 6 май куни сотилмаган тақдирда, тақорий савдоси автотранспорт воситаларининг 13 ва 20 май 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул килишнинг охирги муддати 1 кун аввал. Савдо галибига 3 банк кун ичida сотувчи билан олди-сотди шартномасига тизиш мажбуриятни юклатилади. Голиб харидор сотилиш баҳосидан 5% савдо ташкилотисига тўлаб беради. Талағорлар мулк бошлангич баҳосининг 20 фойзидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТБ “Капиталбанк” Яшнобод филиали, х/р: 2020800405363013002 МФО: 01136, СТИР: 308305364га тўлади.

**Аризаларни қабул килиш ва савдо ўтказиш  
мансили: Тошкент шаҳар Мирбод тумани  
Матбуотчилар кўчаси 32-йй  
Телефонлар: 71 233-28-52. 90 971-20-00. 90 358-38-07**

Гувахнома № 965941  
Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги 193-умумий ўрта таълим мактаби томонидан (хозирги 193-сонли ИДУМ) 2003 йилда Сайгидев Нурилла Нурсатуллаевич номига берилган У № 0395734 (рўйхат раками 549) ракамли шаҳодатнома йўқолганилиги сабаб бекор килинади.



# ГҮШТ НАРХИНИ ҚАЙДАН БИЛСИН, МОЛ БОҚМАГАН ОДАМЛАР?

**Нима? Гүшт қиммат? Ойда бир килограмм ҳам  
гүшт емаяпмиз?**

**Нима, нима? Ҳаммасига чорвадорлар айбдор?**

**Гүшт дегани ҳайвонларда бўлади, қўйда бўлади,  
молда бўлади. Улар тирик жон бўлса, ейман дейди,  
ичаман дейди. Ё мол-қўйнинг ҳаводан семирганини  
эшитганмисиз?**

Билмасангиз, айтиб қўйя молнинг вазини бир кунда 250-300 грамгача ошириш мумкин. Бу учун эса жониворнинг кўзларига мўлтираб қараб туриш кифоя эмас. Бир кунда 4-4,5 килограмм ем, 7-8 килограмм силос, сомон, пича ёки беда керак. Буларни қаердан оламан, катта бобомдан ем омбори мерос колмаган бўлса!?

Емнинг нархи турига караб, 3 мингдан бошланади, бир боф беда эса 30 минг. Сомоннинг зичланган боғини 18 минг дейди, барака топкурлар. Агар молингиз жуда таъби нозик, “фигура”сини ўйлайдиган оғатижон бўлса ҳам бир кунда камида 17-19 минг сўм-

лик озука берилади. Сиз қиммат, қиммат деёғтан гүштнинг бугунги кундаги ўртacha нархи 70 минг бўлса, 300 грамм гүшт 21 минг бўлади.

Хўш, шунда бир килограмм гүштдан 4 минг сўм атрофида пул колади. Ёз чилласида челаклаб сув ташиганим, қишининг қаҳратонида тутунга кўмилиб ем кайнатганим, кассобга топшириш, йўлкира, дўкон ижараси, патта пули ва соликларни ҳам қўшиб ҳисобласак, менга канча пул қоляпти?

Анааа, энди ўзингизга келяпсиз. Тўғри, чорва моллари яйловларда бокилса, ҳисоб-китоб бошқача бўлади, албатта. Лекин яйловни қаердан олай?

Тилла балиқчам бўлиб, тила тилагингни деса экан, кенг, барра ўтили яйловларни тиласам. Шунда өм-хашакка сарфлайдиган пулим тежалсаю, хар хафтада эмас, ҳар кунда гўшти овқат есангиз.

Қаерда дейсиз, бугунги кунда юртимизда яйловлар деярли қолмаган. Уларнинг ўрнини боғлар, буғдойзор ва пахтазорлар эгаллаган. Борини ҳам барака топтур фермер ва ҳокимларимиз енг учида тинчтиб юборишяпти.

Узокда эмас, бизнинг Нурободда ҳам шу муаммо. Бир порахўр ҳоким фермерларнинг порасини олиб, яйловларни шуларга сотиб юборган. Одамларга чорва бокишига ер йўқ.

Ҳамма ерни бир фермер 15 миллион бериб, ўзиники қилиб олган. Ярим кишлоқ ўн йиллардан бери сарсон...

Шикоят қилиб борса, қўлида хужжа-

ти бор, ер қонуний уники. Порахўр ҳоким кетди, муаммо эса қолди. Хуллас, кишлоқ ва туманларда шунаقا гаплар...


Ана, кўряпсизми, дардимни айтсан, элга достон бўлади. Ҳадеб, гўштинг қиммат деяверманг...

Боринг, яхшиси яйловларни пуллаб юбораётган фермерлару ҳокимлар, чорва озукасини ишлаб чиқариш, биз чорвадорларга етказиб бериш ҳақида ўйламаётган “занлаган калла” ларга арзи-хол килинг.

Мободо, масала ижобий ҳал бўлиб, додимизга кимдир кулоқ тутадиган бўлса, бир сомсаҳурлик қиламиш. Фақат гўштлиси билан эмас, картошкалисидан. Нега десангиз, Рамазонда, гўшт қимматлашгани аниқ...

**Чорвадорнинг журналист қизи**

# КИМОР – АРЗ – ОТИЛЛИК



**Кимор харом дейилади. Афсуски кейинги пайтда интернет тармоқлари орқали ўйналадиган турли қимор ўйинлари ҳам оммалашмоқда.**

**Истисно тарзда айтиб ўтиши жоизки, ягона мақсади моддият бўлган бу жирканч “машғулотлар” афсуски жамият учун ҳам катта муаммолар туғдираётir. Ёшлар тарбиясида “маънавият” деган тушунчани суғуриб ташляпти. Бунинг оқибати эса аянчили.**

Фарфона вилоятидаги даҳшатли воқеа ҳам ана шу – “1-xbet” ўйинидан катта микдорда қарз бўлиб қолган фуқаро томонидан содир этилди. 1992 йилда туғилган Умар Нишонов (исм-шарифлар шартли) аввал судланмаган. Оиласи, икки нафар фарзанди бор. Яхшигина ташкилотда иш юритувчи вазифасида ишлаган. Нима бўлдию, интернет тармоғи орқали кимор ўйинларига (ха, шундай дейиш ноўрин эмас, бизнингча) ўралашиб колди. Даставвал ютди, албатта. Кейин ютказа бошлади. “Ютказган курашга тўймас”, деганларидек давом этаверди, давом этаверди. Қарз микдори 100.000.000 сўмдан ошириш кетди. Бундан ташқари, кўчадан, дўсту ёр, танишларидан олган қарзлари бор эди. Табиийки, бундай ҳолатларда ҳақдор томон чора кўришни бошлайди. Ўйинлардан четлаштирилган Умар ўз ўрнида қарздорликни ёпиши лозим эди. У ҳақдорлар томонидан тез-тез огохлантирилар, ҳатто таҳдидлар бўлиб турарди. Карзни биридан олиб бирига, бошқасидан олиб иккинчисини ёпарди. “Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин”, дейишган. Умар қаттиқ “стресс” холатига тушиб борарди.

Кўшниси Омондан ҳам қарз сўраб турар, лекин вақтида қайтариб берарди. Бу гал у 5000 АҚШ доллори сўраганда Омон бироз ўйланиб қолди. Курилиш килаётганини айтиб, 2000 АҚШ доллори бериб турса олишини айтди. Умарнинг иши бу билан битмасди. Кўшниси берган 2000 долларни ҳам олдию қандай қилиб вазиятдан чиқиши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Айни шу ўйлар, тинимсиз кўнғироклар унинг тинчили-

ги, оромини олганди. На куни, на тунида ҳаловати бор эди.

У қўшнисида яна пул борлигини ва пулларни айни қайси хонада туришини ҳам биларди. Миясида “лоп” этиб кўриниш берган бир ёмон ўнга нажот бўлиб кўринди.

Аслида “ўғирлик” даб аталувчи бу ёмонлик ортидан эса ёвузлик ҳам эргашиб қолиши мумкинлигини идрок этишига унда куч йўқ эди.

Кундуз куни ўйда эркаклар бўлмаслигини билгани холда Омоннинг келинчаги кўча тозалаб юргани кўрдию мақсадини амалга ошириш истагида орқа эшиқдан ҳовлига кириб борди. Пул сўраганида доимо олиб чиқиб бериладиган хона томон юриб аста ичкарига кирди. У ер бу ерга кўз югуртириб ҳали “объект”ни топиб улгурмаганди, залда оёқ товуши эштилди. Умар яширинмоқчи бўлди, аммо шарпа хона томон яқинлашиб у билан юзлаши.

Уйларида куппа-кундуз куни бегона одамга кўзи тушган аёл қичкириб юборди.

– Бу ерда нима қиляпсиз?!

Аёл шошиб ташқарига отилди. У ҳомиладор, ҳатто ой-куни яқин эди. Орқасидан отилиб чиқсан Умар ошхона раҳида турган пичокни олди-ю аёлга ташланди.

– Ўчир! Ўчир деяпман!

Пичок бир зумда аёлнинг кўксига қадалди. Кейин яна... яна... охиргиси ҳатто бўйнидан тортилди.

Ерга узала тушган ҳомиладор аёлнинг устидан сакраб ўтган Умар ўзини яна орқа эшика урди!

Ўшанда соат кундуз 11.30лар чамаси эди. Уйига чиқиб ўзини ўнглаб, кўшнисининг уйи олдидаги олонмандан юраги ҳовлиқкан Умар четроқдаги 1-2 кишига, кўшилган бўлди. Маълумот олмоқ бўлди. Аммо эпломади, воеа жойида туролмади. Аста юриб орқасига қайтди.

Моҳиҷехра Исакова 26-27 ёшлар орасидаги навниҳол жувон эди. Бир нафар қизалоги бор, турмуш ўртоги билан улкан орзулар оғушида ўғил фарзанд-кутишаётган эди. Шифокорлар уриниши зое кетди. Моҳиҷехранинг жароҳатлари ўта оғир, боз устига қўп кон йўқотган эди. Унинг вужудидаги бугун-эрта ёруғ оламни кўришга шай “қўчқордек ўғил” ҳам айни онаси янглиғ ёвузлик курбонига айланганди.

Инсоният имкониятларни доим ҳам муваффакият, эзгулик, яхшилик йўлида ишлатавермас эканда. Бизга улкан шароитлар манбаи бўлиб кириб келган тараққиёт тухфаларидан фойдаланишни ўйин, шўхлик, бехайр кизиқишиларга алишиш оқибатлари эса афсуски тез-тез бўй бериб турибди.

Буни тўхлика-шўхлик ёинки, нонқўрлик деб аташ ҳам ўринли бўлар.

Икки инсон ҳаётига, умрига зомин бўлган Умарни ҳам ана шундайлар сирасидан дейиш мумкиндири. Унинг биргина адашиши оқибатида, гарданида яхшиликка ёмонлик, тўқлика-шўхлик, бебошлиқ, нонқўрлик ҳатто қотилликдек иллатлар бош кўтарди ва алалоқибат ўз умрига-да зомин бўлди. Яқинлари, оиласи, ота-онаси ҳаловатини кунпаяқун қилди.

Эндиғина 30 ёшни қаршилаган, айни навқирон даврида ўта оғир жиноятни содир этиб, 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Барчамизни оиласиз, маҳалламиз, атрофимиз ва албатта, жамиятимизни бундай кусурлардан, фожеа – жиноятлардан ҳоли қилсин! Тинч-осойишта юртимиз, фаровон турмушимиз, яратилган имкониятлар қадрини билган ҳолда мунособ яшаш қандай яхши. Холбуки, бу неъматлар бизда бор, кимлардадир эса...Хулоса ўзингиздан.

**Акром АРИПОВ,  
Олий суд бош консультанти.**